**АҲМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ**
**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ**
**АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ**

***Ахборот-библиография бўлими***

# 2017 ЙИЛ 3 ЧОРАК УЧУН

# ЯНГИ НАШРЛАР БЮЛЛЕТЕНИ



**Фарғона – 2017**

# Фан

1. **72.3(5Ў)**
**Б98**

**Буюк юрт алломалари** / тузувчи У. Уватов. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 424 б. 3000 нусха.

Мазкур китобдан ўлкамиздан етишиб чиққан, ислом дини, унинг маърифати, маънавияти, қадриятлари такомилида чинакам ҳал қилувчи роль ўйнаган улуғ алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги қизиқарли тадқиқотлар ўрин олган. Ишончли ёзма манбаларга таяниб ёзилган, тарихий фактларга бой, бир-бирини тўлдирувчи, содда тили ва равон услуби билан ажралиб турувчи мақолаларни ўзида мужассам этган бу тўплам китобхонни бефарқ қолдирмайди.

2. **72.3(5Ў)**
**Т91**

**Турсунов, С.** Термизийларнинг илмий тафаккури / С. Турсунов; муҳаррир Ж. Омонтурдиев. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 280 б. 3000 нусха.

Қўлингиздаги китобда дунёвий илм тафаккури йўлида ўзининг илмий ва диний дунё қараши билан халқимиз орасида катта ҳурмат қозонган аллома Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўли ҳамда ижодий фаолиятига оид манбаалар ёритилган. Шунингдек, китобда Термиз шаҳридан етишиб чиққан улуғ авлиёлардан Абубакир Варрок ат-Термизий, Ҳомид ат-Термизий, Абулмузаффар ат-Термизий, Саййид Бурҳониддин ат-Термизий, буюк муҳаддис Имом Исо ат-Термизий ва етук муаррих Хожа Самандар Термизий ҳамда Сурҳон воҳаси илм мутафаккир устозлари ҳусусида ҳам сўз юритилган.

# Энциклопедиялар, луғатлар ва ҳ. к.

3. **94.8**
**Ж96**

**Жўраева, С.** Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф: тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар / С. Жўраева; тузувчи С. Жўраева. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 416 б. 5000 нусха.

Китобда жаҳон фалсафасининг XX асргача яшаб ижод қилган мумтоз вакиллари ҳаёти ва қуйма фикрлари имкон даражасида жамланган. Мажмуадаги ибратли ҳаёт йўллари ҳақидаги маълумотлар ва пурмаъно фикрлар ўзини ўзи ислоҳ қилиш истагида бўлган, ҳақиқатнинг ранг-баранг манзараларидан завқ олишга қодир ҳеч бир кимсани бефарқ қолдирмайди.

4. **94(5Ҳинд)6**
**Қ15**

**Қадимги ҳинд ҳикматлари /** муҳаррир Қ. Қаюмов – Тошкент: Sharq, 2016. – 120 б. – (Тафаккур ҳазинасидан) 1000 нусха.

Ушбу китобда жамланган энг қадимий ҳинд эпослари, достонлари, мақол ва бошқа жанрлардаги асарлардан олинган қайроқи гаплар китобхонларимизнинг дунёқарашини кенгайтиришига, қалб оламини бойитишга, уларга умр моҳияти, сирлари билан ошно этишига имонимиз комил.

# Фалсафа

5. **87.3**
**Р88**

**Румий, Ж.** Ичиндаги ичиндадур : фалсафий-маърифий асар / Ж. Румий; муҳаррир Н. Комилов. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2017. – 240 б. 10000 нусха.

"Ичиндаги ичиндадур" Мавлоно Жалолиддин Румийнинг турли мажлисларда билдирган фикрларидан таркиб топган. Сиз, ушбу рисолани ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлиқ, инкор ва

исбот, ҳаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англайсиз. Ва ҳамма нарса ўзингизда, ҳамма нарса ўзингиздан эканлигига яна бир бор иймон келтирасиз.

6. **87.3**
**Ф84**

**Форобий, А. Н.** Фозил одамлар шаҳри / А. Н. Форобий; муҳаррир М. Ҳайруллаев. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 320 б. 5000 нусха.

Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Наср Форобий асарларида оқилона давлат тузуми, инсоният жамияти ҳақидаги нодир ва доно фикрларга дуч келамиз. IX-X асрларда яшаб, ижод этган "Арасту фалсафаси", "Фозил одамлар шаҳри", "Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида" асарларидан намуналар киритилган.

# Психология

7. **88.3**
**К25**

**Карнеги, Д.** Мансаб пиллапояларидан қандай кўтарилиш мумкин / Д. Карнеги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 201 б. 5000 нусха.

Дейл Карнегининг фикр ва тавсиялари кўпгина инсонларнинг ҳақиқатдан хизмат пиллапояларидан кўтарилишларига асос бўлган. Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

8. **88.3**
**К25**

**Карнеги, Д.** Эрингизга суянч бўлинг / Д. Карнеги. – Тошкент : Davr Press, 2016. – 192 б. 2000 нусха.

Оилавий ҳаётингиз саодатли, тинч ва фаровон бўлишини истасангиз, Дороти Карнегининг ушбу китобини ўқиб чиқинг. Унинг эри кўп одамларга дўст орттириш ва инсонларга таъсир кўрсатишда ёрдам берди, бу аёл эса турмуш ўртоғига машҳур Дейл Карнеги бўлишга кўмаклашди.

9. **88.37**
**Н79**

**Норбеков, М.** Тентакнинг тажрибаси 2: ўзликни англатувчи йўлнинг калитлари / М. Норбеков; тарж. М. Бону, муҳаррир М. Омон. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2016. – 400 б. 4000 нусха.

Бу китобда муаллиф китобхонни ҳаракатга келтириш, бу ҳаётга нима учун келганини эслашга мажбурлаш, ўзидаги ижодкорни, орзуларга берилувчи инсонни ва шоиртабиатликни уйғотиш учун нафақат бор кучини, шу билан бирга ўттиз йиллик сабоқ бериш тажрибасини ҳам ишга солади.

10. **88.37**
**Н79**

**Норбеков, М.** Тентакнинг тажрибаси 3: бахтли ва фаровон яшаш ҳикмати / М. Норбеков; тарж. М. Бону, муҳаррир М. Омон. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2017. – 368 б. 3000 нусха.

Ўз бахтининг ҳимоячиси ҳам, уни яксон қилувчиси ҳам инсоннинг ўзи. Агар сизга фарзандларнинг ўтиш ёшидаги қийинчиликларни қандай енгиб ўтиш, фарзандлардан чақир тиканак ўсиб етишмаслиги учун уларнинг боғчасини нималар билан ўғитлаш лозимлигига қизиқсангиз, фаровонликнинг изчил ва доимий гуркираб ривожланишнинг илоҳий қонуниятини билишни истасангиз, Мирзакарим Норбековнинг "Тентакнинг тажрибаси 3" китобидан баҳраманд бўлинг.

11. **88.37**
**Н79**

**Норбеков, М.** Тентакнинг тажрибаси ёҳуд кўзойнаксиз ҳаёт сари: амалий қўлланма / М. Норбеков; тарж. М. Бону. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2016. – 320 б. 1000 нусха.

Жаҳон миқёсидаги бестселлер номини муносиб равишда қўлга киритган ушбу китоб шунчаки кўриш қобилиятини тиклаш учун қўлланма ёки сурункали ношуд беморга аталган фалсафий рисола эмас, балки ҳаракат, шижоат учун даъватдир.

# Этика

12. **87.7(5Ў)**
**М22**

**Малик, Т.** Дока рўмол қачон қурийди / Т. Малик. – Toshkent: Hilol-Nashr, 2017. – 392 б. 5000 нусха.

Мазкур китоб орқали эр-хотин бир-бирига нисбатан қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги, тўкис оила барпо этиш учун муҳаббатнинг ўзи камлик қиладими деган саволларга жавоб топиш мумкин.

# Сиёсат

13. **66.3(5Ў)**
**К25**

**Каримов, И.** Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир / И. Каримов. – Тошкент: Маънавият, 2015. – 128 б. 15000 нусха.

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг кейинги йиллардаги нутқ ва маърузалари, китобларида мамлакатимиз ёшлари, уларнинг олдида турган мақсад ва вазифалар, барчамиз учун муқаддас бўлган она юртимизни кўз қорачиғидек асраш ҳақидаги энг муҳим, халқимиз ўртасида кенг ёйилиб, ҳикматли сўзларга айланиб кетган фикр ва ғоялар билан тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилган.

14. **66.3(5Ў)**
**М54**

**Мирзиёев, Ш. М.** Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак = Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя: маъруза / Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент: Узбекистон, 2017. – 104 б. 20000 нусха.

Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017й. 14 январь.

15. **66.3(5Ў)**
**Ў32**

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида : Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони / муҳаррир А. Омонов, Г. Ортиқхўжаева. – Тошкент : Адолат, 2017. – 112 б. 5000 нусха.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иктисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устиворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларини дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.

# Иқтисодиёт

16. **65.290(5Ў)**
**И81**

**Исмоилов, Б.** Корхона қурамиз / Б. Исмоилов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 128 б. 5000 нусха.

Тадбиркорликка кенг йўл берилган бугунги кунда ёшлар ҳам фирма ва ташкилотлар очиб, ўз фаолиятларини йўлга қўймокдалар. Бу соҳада эътибор қаратилиши зарур бўлган нозик ва жиддий масалалар борки, тадбиркорликнинг гуллаб-яшнаши айнан шуларга боғлик. Фирма ёки ташкилот очиб мустақил иш бошлаган ҳар бир тадбиркор вақт, лойиҳа, корхона бошқаруви бўйича маълум билимларга эга бўлса, келажаги порлокдир. Муаллиф машҳур бизнесменларнинг ҳаётий тажрибаларини ўрганиб, ўз фикрларини ҳам уйғунлаштириб бугунги замон кишиси, яъни бизнесмен ёки тадбиркор учун ўзига хос ва мос қўлланма яратди.

# Маркетинг

17. **65.290**
**Т96**

**Тўйчиев, Н.** Бизнесда оптимал режалаштириш / Н. Тўйчиев; муҳаррир М. С. Алиқориев. – Тошкент : Маънавият, 2010. – 160 б. 2000 нусха.

Мазкур китобчада халқ хўжалигида, ҳусусан бозор иқтисодига ўтган тизимда ҳар хил соҳалардаги масалаларнинг энг оптимал: энг самарадор, энг арзон, энг даромадли ва энг яхши вариантини топиш мумкинлиги амалий мисоллар, ҳикоялар ва воқеалар асосида иқтисодий математика усуллар соддалаштириб кўрсатилган.

# Жиноий ҳуқуқ

18. **67.408(5Ў)**
**Р92**

**Рустамбоев, М. Х.** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ: умумий қисм / М. Х. Рустамбоев; муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Тўлд. ва қайта ишл. 2-нашри. – Тошкент: Адолат, 2016. – 608 б. 2000 нусха.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар амалдаги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида ёзилган. Унда Жиноят кодексига 2016 йил 1 ноябргача киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва суд амалиёти манбаларидан фойдаланилган.

19. **67.408(5Ў)**
**Р92**

**Рустамбоев, М. Х.** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар: маҳсус қисм / М. Х. Рустамбоев; муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Тўлд. ва қайта ишл. 2-нашри.– Тошкент : Адолат, 2016. – 960 б. 2000 нусха.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар амалдаги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида ёзилган. Унда Жиноят кодексига 2016 йил 1 ноябргача киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва суд амалиёти манбаларидан фойдаланилган.

# Фуқаролик ҳуқуқи. Суд тизимидаги ҳуқуқ меъёрлари мажмуи

20. **67.4(5Ў)**
**У32**

**Ўзбекистон Республикасининг ёшларга** оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонуни : расмий нашр / муҳаррир А. Омонов. – Тошкент : Адолат, 2016. – 80 б. 5000 нусха.

Ушбу Қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

21. **67.404(5Ў)**
**У32**

**Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний** ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига шарҳ / муҳаррир А. Усмонов. – Тошкент : Адолат, 2016. – 240 б. 4000 нусха.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда асосий мақсад ўзгартирилганлигига, унда нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахсларнинг ҳам давлат органлари ва муассасаларига мурожаат этишга оид муносабатлари тартибга солинганлигига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, аввалги қонундан фарқли ўларок, мазкур қонуннинг амал килиш доираси аниқ белгилаб берилди.

# Педагогика

22. **74.100.57**
**S34**

**Safarov, O.** O`zbek xalq bolalar o`yinlari / O. Safarov. – Toshkent : Sharq, 2013. – 176 b. 10000 нусха.

Халқ даҳоси яратган болалар ўйинлари асрлар давомида навқирон наслни чиниқтириш ва тарбиялаш вазифасини ўтаб келаётир. Уларда халқнинг анъанавий турмуш тарзида синалган, ўзбекона миллий руҳ билан йўғрилган жисмоний-тарбиявий ва маънавий-ахлоқий қарашлар ўз аксини топган.

23. **74.9я2**
**Ш80**

**Шоумаров, Г. Б.** Оила энциклопедияси / Г. Б. Шоумаров, З. А. Расулова; муҳаррир Н. Тўхлиев. – Тошкент: "Илм - Зиё - Заковат", 2016. – 416 б. 3000 нусха.

Энциклопедияда оила ва оилавий муносабатларнинг моҳияти, тарихи, эволюцияси, оила институтининг ёш авлодни маънан кучли, ақлан етук ҳамда баркамол қилиб тарбиялашдаги роли ва аҳамияти масалалари ёритилган.

# Фольклор

24. **82.3(5O')**
**U89**

**Uch og'ayni botirlar**: O'zbek xalq ertaklari. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. – 304 b. – (Kamolot kutubxonasi) 5000 нусха.

Китоб инсонларни мардликка чорловчи, сахий ва бағрикенг бўлишга ундовчи, ҳаётдан яшашдан мақсад одамларга яхшилик қилиш ва улар ўртасига эзгулик уруғларини сочиш каби барча инсоний фазилатлар улуғланган халқ эртакларидан ташкил топган.

25. **82.3(5Ў)**
**С84**

**Ўзбек халк ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик

**Т.8. Соҳибқирон.**: достонлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 2016. – 512 б. – Библиогр.. 1000 нусха.

"Соҳибқирон" достони ёш авлодни ҳамиша яхшилик қилиш, кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамлаш ва қалбан покликка интилиб яшашга ундаши орқали уларнинг қалбидаги эзгу ниятларга қанот бахш этади.

26. **82.3(5Ў)**
**А54**

**Ўзбек халк ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик

**Т.1. Алпомиш**: достон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 512 б. 1000 нусха.

Маълумки, бу дунёда ҳар кайси миллатнинг ўз афсонавий каҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Халк оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш "Алпомиш" достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган каҳрамонлик қўшиғидир.

27. **82.3(5Ў)**
**Ю91**

**Ўзбек халқ ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик

**Т.2. Юсуф билан Аҳмад** : достон. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 556 б. – Библиогр. 1000 нусха.

Ўзбек халқ бахшилари репертуарида турли жангу жадаллар тасвири орқали ватанга муҳаббат ва юртсеварлик ғояларини акс эттирувчи "Юсуф билан Аҳмад", "Алибек билан Болибек" каби эпик асарлар мавжудки, қадимий қаҳрамонлик эпосига хос хусусиятларни ўзида акс эттирган бундай эпослар "жангнома достонлар"нинг ёрқин намунаси бўла олади.

28. **82.3(5Ў)**
**К46**

**Ўзбек халқ ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик

**Т.3. Қиронхон**: достон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 648 б. – Библиогр. 1000 нусха.

Маълумки, "Қиронхон" достони мазмунан ижтимоий-маиший ҳарактерга эга. Чунки унда бефарзандлик туфайли азоб чеккан шоҳ оиласида дунёга келган ака-сингилнинг ўгай оналар фитнаси туфайли оғир синовларга дучор қилиниши, эзгулик ва ёвузликнинг муросасиз кураши, мифологик ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланган қаҳрамоннинг машаққатли саргузаштларни бошдан кечириши каби воқеалар бадиий акс эттирилган.

29. **82.3(5Ў)**
**А54**

**Ўзбек халқ ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик

**Т.4. Алпомиш**: достонлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 2015. – 444 б. 1000 нусха.

Маълумки, "Алпомиш" достони ҳамма вариантларида унинг сюжети, мазмун-моҳияти, ғоявий йўналиши бир хил, ҳажми жиҳатидан энг йириги ва етуги, бадиий жиҳатдан энг мукаммали ҳисобланади.

30. **82.3(5Ў)**
**Ш63**

**Ўзбек халк ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик

**Т.5. Ширин билан Шакар** : достонлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 540 б. – Библиогр. 1000 нусха.

Мазкур жилдга киритилган достонлар халқимиз бадиий салоҳиятининг улкан қудрати туфайли яратилган қадри абад эпик асарларни юксак маҳорат билан куйлаган атоқли бахши

Фозил Йўлдош ўғли ижодий заковати нақадар кенг қамровли ва ранг-баранг бўлганлигига ёркин далил бўла олади.

31. **82.3(5Ў)**
**А49**

**Ўзбек халқ ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик
**Т.7. Алибек билан Болибек**: достонлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014. – 584 б. – Библиогр. 1000 нусха.

Мазкур достонларда юксак ватанпарварлик, она диёрни асраб-авайлаш, туғилиб-ўсган юртга бўлган беқиёс муҳаббат, инсон қадр-қимматининг улуғлиги, аҳдга содиқлик, севги ва садоқат, оилавий қадриятларнинг боқийлиги каби эзгу ғоялар гўзал халқона ташбеҳлар орқали маҳорат билан тараннум этилган.

## Астрономия. Астрофизика. Космик фазони тадқиқоти. Геодезия

32. **22.6**
**Н62**

**Нима учун шунақа?** : қизиқарли энциклопедия / Сост. Р. Бойтура. – Toshkent: Sharq, 2016. – 208 б. 5000 нусха.

Мазкур энциклопедия коинот, инсонлар, набобот ва ҳайвонот олами, дунё халқлари ва шаҳарлари, сирли табиат ҳодисалари ҳақида олам-олам билим ва тушунча беради. Галактикалар қандай пайдо бўлади? Юлдузлар нега сўнади? Нега осмон кўк рангда? Зилзила қандай рўй беради? Бу каби кўплаб саволларга мазкур энциклопедиядан жавоб топасиз.

## Химия. Кристаллография. Минералогия, минералшунослик

33. **24.1**
**К42**

**Kimyo olamiga sayohat** : qo`llanma / M. Pirimqulov, R. Ziyayev, B. Akbarov. – Toshkent : O'zbekiston, 2015. – 280 b. 5000 nusxa .

Китобда кимёнинг ўзи нима, у қандай пайдо бўлган, унинг ривожланиш тарихи қандай кечган деган саволларга жавоб топасиз ҳамда кимёвий элементлар қачон ва қайси олим томонидан кашф этилганини билиб оласиз. Кимёвий элементлар ёрдамида саҳна кўринишлари орқали уларнинг ҳосса-ҳусусиятлари билан танишасиз.

## Умумий ва назарий биология

34. **28я72**
**М13**

**Mavlonov, O.** Biologiya: repetitor kitobi / O. Mavlonov; Рец. O`. P. Pratov. – Toshkent: O'qituvchi, 2016. – 592 b. 5000 nusxa.

Ўқув қўлланма умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар ўқув дастурига киритилган мавзуларни қамраб олган. Уни ёзишда ҳозир амалда бўлган ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, биология дарсликлари ва илмий-оммабоп манбаларда келтирилган маълумотлардан фойдаланилди. Қўлланмага киритилган барча мавзуларга мустақил ўқиш ва ўз-ўзини баҳолаш учун жавобли тест топшириқларининг бир неча вариантлари илова қилинган.

## Гистология. Ҳайвонлар тўқималари тўғрисидаги таълимот

35. **28.6**
**А40**

**Akbarov, B.** Bahaybat kaltakesaklar / B. Akbarov; Худ. B. Zufarov. – Toshkent : O'zbekiston, 2016. – 40 b. 10000 nusxa.

Ушбу китобда эрамиздан бир неча миллион йиллар илгари яшаган баҳайбат калтакесак-лар - динозаврлар ҳақида ҳикоя қилинади.

## Патология. Клиник тиббиёт

36. **56.1**
**И13**

**Ибодуллаев, З.** Асаб ва руҳият: илмий-оммабоп рисола / З. Ибодуллаев; Рец. О. Хўжаев. – Тўлд.ва қайта ишл. нашри. – Тошкент : Sharq, 2015. – 336 б. 3000 нусха.

Китоб энг кўп учрайдиган касалликлар ҳақида бўлиб, унда бош миянинг қон томир касалликлари, эпилепсия ва тутқаноқ синдромлари, бош миянинг яллиғланиш касалликлари, паркинсонизм, миянинг ички босими, танадаги турли оғриклар, остеохондроз, диск чурраси, депрессия, невроз, ипохондрия, истерия, мигрен, психосоматик бузилишлар, фобия ва қўрқув, болалар ва катталарда учрайдиган ақлий заифликлар, хотира бузилишлари, бош айланиш ва чайқалиб юришларга асосий урғу берилган.

## Пахта ва унга ўхшаш толалик ўсимликлар

37. **42.16**
**У31**

**Ўзбекистон пахтачилигининг ютуқлари** / Х. Ш. Неъматов, А. М. Батталов, Б. Н. Рахматов. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2015. – 288 б. 2000 нусха.

Ўзбекистон пахтачилиги ютуқларига бағишланган ушбу китобда, хусусан, уруғлик пахта етиштириш ва тола сотиш, ўзбек пахта толасининг жаҳон бозоридаги нуфузи, селекция ва уруғчилик соҳасида қўлга киритилаётган муваффаққиятлар билан бир қаторда республикамизнинг 14 та маъмурий-ҳудудий бирлигида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган пахтакорлар фаолияти ҳам атрофлича ёритилган.

## Спорт ўйинлари. Спорт

38. **75.58**
**А14**

**Shaxmatdan ilk saboqlar** / H. Abdiyev. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2015. – 32 b. 5000 nusxa .

Китобда Алижон ва Валижон топиб олган сеҳрли шахмат доналарининг тилидан қадимий шахмат ўйинининг сир-асрорлари ҳакида ҳикоя қилинади.

## Тилшунослик

39. **81.2Узб**
**У16**

**Ўзбек тили пунктуациясининг** асосий қоидалари = O`zbek tili punktuatsiyasining asosiy qoidalari / тузувчилар Н. М. Махмудов, А. П. Мадвалиев, Н. Маҳкамов. – Тошкент : O`zbekiston, 2015. – 88 б. 2000 нусха.

Ёзув маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришда пунктуациянинг - тиниш белгиларининг алоҳида аҳамияти бор. Тиниш белгилари ёзувнинг бошқа воситалари ҳамда тил бирликлари билан кўрсатиш мумкин бўлмаган турлича фикрий муносабатларни, психологик ва интонацион ҳолатларни ифодалашда ҳам фавқулодда муҳим аҳамиятга эга.

# Лингвистика. Тилшунослик. Тиллар

40. **81.2Ingl**
**N87**

**Nurutdinova, Z.** Ingliz tilidagi asosiy qoidalar / Z. Nurutdinova; Рец. H. Hakimov. – Тошкент : Yurist-Media markazi, 2011. – 76 b. 3000 нусха.

Ушбу дарслик инглиз тилидаги энг асосий бўлимларни ва "Глоссари» ни ўз ичига олади. Қўлланмада инглиз тилидаги қоидалар содда ва тушунарли тарзда тушунтирилган.

41. **81.2Узб**
**У16**

**Ўзбекча-туркча сўзлашгич** / тузувчи Г. Матисаев. – Тошкент : Adabiyot uchqunlari, 2015. – 224 б. 5000 нусха.

Бугун турк тили, турк маданияти юксалиб, жаҳонда ўз мавқеига эга бўлди. Ўзбекистонда ҳам Туркия билан ҳар соҳада алоқаларимиз яхши бўлгани боис турк тилини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормокда.

# Адабиёт. Адабиётшунослик

42. **82.3(5У)**
**J77**

**Jonivorlarning sarguzashtlari** = Жониворларнинг саргузаштлари : O'zbek xalq ertaklari / tuzuvchi K. Imomov. – Тошкент : Sharq NMAK, 2015. – 192 b. – (Bolalar kutubxonasi) 3000 нусха.

Ушбу китобга шу кунгача нашр этилмаган жониворлар ҳақидаги эртак ва эртак-нақллар танлаб киритилган. Уларда сахийлик ва адолатпарварлик, меҳнатсеварлик ва дўстлик каби маънавий қадриятлар улуғланиб, хасислик, ҳасадгуйлик ва ёвузлик каби ярамас иллатлар қораланади.

43. **84(5O')1**
**N31**

**Nava'i, A.** The language of the birds = Лисон ут-тайр / A. Nava'i; Пер. N. Qambarov. – Toshkent : G'afur G'ulom NNMU, 2016. – 216 b. 1000 нусха.

44. **82.3(4Гем)**
**S48**

**Sehrli qirollik ertaklari**: maktab yoshidagi bolalar uchun
**К. 1** = Сказки волшебного королевства. – Toshkent: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. – 164 b. 3000 нусха.

Бу китобга энг яхши европа эртаклари жамланди. Улар ўқувчини гўзал маликалар ва жасур шаҳзодаларнинг сеҳрли, ғаройиб оламига етаклайди.

45. **83.3(5Ў)**
**А51**

**Алишер Навоий ғазалларида** ҳазил-мутойиба / муҳаррир А. Рустамов. – Тўлд. 2-нашри. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 160 б. 3000 нусха.

Ушбу китобга Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маъоний" девонларига кирган ғазаллардаги ҳазил-мутойиба руҳидаги байтлар жамланган. Зарур ўринларда байтлар қийин сўзлар луғати ҳамда изоҳлар билан таъминланган.

46. **83.3(5Ў)**
**А98**

**Аҳмад, С.** Йўқотганларим ва топганларим : хотиралар, адабий ўйлар / С. Аҳмад. – Тошкент : Sano-standart, 2014. – 352 б. 10000 нусха.

Китобнинг биринчи бобида тилга олинган ва ажиб меҳр билан тасвирланган устозлар энди йўқ. Улар халққа, ватанимиз бадиий ҳазинасига қимматбаҳо гавҳарлар қолдириб йўқлик сари кетганлар. Китобнинг иккинчи бобида ҳозирги кунда ижод қилаётган ва бугунги кунда етук ёзувчи бўлган, халқ ҳурматига сазовор бўлган ёзувчилар, китоб муаллифи шогирдлари тўғрисида қайноқ фикрлар баён қилинади. Учинчи бобда гоҳ нурли, гоҳ нурсиз кунларни бошидан кечирган муаллифнинг изтироблари, кўп машаққатлар билан топган иқболи тўғрисида таъсирли фикрлар баён қилинади.

47. **82.3(5Ў)**
**Л24**

**Латифалар** / муҳаррир И. Аҳмедов. – Тошкент : O`zbekiston, 2015. – 360 б. 5000 нусха.

Латифа нозик дид билан закиёна тўқилган қаҳқаҳа демакдир. Халқ ижоди бир томчи денгиз бўлса, латифалар унинг дарёси, ушбу китоб эса шу дарёдан бир томчи.

48. **83.3(5Ў)**
**М21**

**Маллаев, Н.** Алишер Навоий ва халқ ижодиёти / Н. Маллаев; муҳарир Х. Болтабоев. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 432 б. 1000 нусха.

Атоқли навоийшунос Натан Маллаевнинг ушбу китобида Шарқ халқлари оғзаки ижоди-эртак, достон, афсона-мифлари буюк ўзбек мутаффакири Алишер Навоий ижоди билан боғлик ҳолда кенг тадқиқ этилган.

49. **84(5Ў)**
**Н73**

**Нодира.** Тушимда кўрсам эдим / Нодира; тарж. Э. Очилов. – Toshkent: O'zbekiston, 2015. – 240 б. – (Жахон шеърияти дурдоналари) 2000 нусха.

Мазкур мажмуага шоира Нодиранинг ўзбек тилидаги халқ ичида машҳур ва бадиий баркамол ғазаллари билан бирга, форсий меросидан ҳам намуналар таржима қилиб киритилган.

50. **82.3(5Ў)**
**О-86**

**Оталар сўзи -** ақлнинг кўзи : ҳикматли сўзлар / тузувчилар Х. Зарифов, А. Хўжахонов, – Тошкент : O`zbekiston, 2016. – 136 б. – Библиогр. 3000 нусха.

Ўқувчиларга тақдим этганимиз бу кичкинагина тўплам халқимиз яратган ҳикматли сўзлар уммонидан бир томчи. Мақолалар халққа ва жаҳон адабиётининг улуғ ёзувчиларига кўп озиқ берган.

51. **83.3(5Тур)**
**Я99**

**Яғмур, О.** Махтумқулинома : буюк Махтумқули асарлари асосида ёзилган роман-тадқиқот / О. Яғмур; тарж. М. Аҳмад. – Тошкент : O'zbekiston, 2016. – 208 б. 3000 нусха.

Адиб ушбу китобида шоир Махтумқули Фиғонийнинг ёшлиги, оилавий шароити, таълим олиши, камолга етиши, биографияси ва саёҳатларига ўша даврлардаги сиёсий-ижтимоий воқеалар нуқтаи назаридан баҳо беришга, шоир шеърларининг таҳлилидан келиб чиқиб тасвирлашга интилган, ўз тахминларини ўртага ташлаган.

## Ўзбек адабиётшунослиги

52. **83.3(5Ў)**
**Ж96**

**Жўрақулов, У.** Назарий поэтика масалалари : адабий-танқидий мақолалар / У. Жўракулов. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги нашриёти, 2015. – 356 б. 1000 нусха.

Китобда мумтоз достон, роман ва драма жанри, хронотоп поэтикаси, сюжет, образ сингари назарий адабиётшунослик масалалари, адабий-тарихий жараён муаммолари, жаҳон адабиётининг Шекспир, Сервантес, Толстой сингари вакиллари ижоди, жаҳон ҳикоячилиги тамойиллари хусусида фикр юритилади.

53. **82.3(5Ў)**
**Э73**

**Ўзбек халқ ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик

**Т.6 Эрали билан Шерали**: достон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёти, 2015. – 404 б. 1000 нусха.

"Эрали билан Шерали" ака-ука эгизаклар тақдири ва жасорати ҳақидаги достони ҳажм эътибори билан ҳам, бадиий-услубий хусусиятлари жиҳатидан қараганда ҳам Ислом шоир репертуарида, умуман, ўзбек достончилигида алоҳида ўрин тутади.

## Алоҳида тиллардаги бадиий адабиёт

54. **84(7Mek)**
**M27**

**Markes, G.G** Oshkora qotillik qissasi = Ошкора қотиллик қиссаси / G.G Markes. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2016. – 640 b. 5000 нусха.

Нобель мукофоти лауреати Габриел Гарсия Маркес жаҳон адабиёти равнақига "Ёлғизликнинг юз йили", "Мустабид паймонаси", "Ўлат изғиган кезларда муҳаббат", "Ойқиз, муҳаббат, авлиё, шайтон ва бошқалар" сингари дурдона романлари билан бетакрор ҳисса қўшган сўз санъаткоридир. Адиб айни маҳалда "қисса" ва "ҳикоя" жанри устаси, "Ошкора қотиллик қиссаси" сара асарлардан бири ҳисобланади.

55. **84(5Кир)6**
**А39**

**Айтматов, Ч.** Жамила: қиссалар / Ч. Айтматов; тарж. А. Рашидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 432 б. 5000 нусха.

Мазкур китоб атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг "Жамила", "Алвидо, Гулсари!", "Сомон йўли" ҳамда "Бўтакўз" қиссаларидан таркиб топган.

56. **84(5Кир)**
**А38**

**Айтматов Ч.** Эрта қайтган турналар : қиссалар ва ҳикоялар / Ч. Айтматов. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2017. – 432 б. 5000 нусха.

"Туркий дунё Алишер Навоийдан қарийб 500 йил кейин адабиёт чўққисига Чингиз Айтматовни олиб чиқди", - деган фикрни бугун бирон бир адабиёт ихлосманди инкор этмайди. Асарларни дунёнинг 180 тилига таржима қилинган ва турли миллат вакилларини инсонни улуғлашга чорловчи қадриятлар атрофида бирлаштирган ёзувчи ижодига китобхон халқи қайта ва қайта мурожаат қилаверади. Ушбу китобга адибнинг "Биринчи муаллим", "Эрта қайтган турналар", "Юзма-юз", қиссалари ҳамда "Байдамтол соҳилларида", "Оқ ёмғир" ҳикояларини жамланган.

57. **84(5Хинд)**
**Г19**

**Ганди, М. К.** Менинг ҳаётим / М. К. Ганди. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 336 б. 5000 нусха.

Ҳиндистон мустақилликка эришгач, инглиз ҳукумати миллий озодлик курашининг оташқалб намоёндаси Махатма Гандидан Англияга ташриф буюришни илтимос қилади. Ҳиндистонни асрий мустамлакачилик асоратидан халос қилган буюк раҳнамонинг қиёфасини ўзларича тасаввур қилган минглаб инглиз фуқаролари уни қарши олгани темирйўл вокзалига келадилар. Вагондан сочи тақир олинган, бошяланг, эгнига оқ матони ўраб олган, оёғига шиппак илиб, қўлига асо тутган муштдеккина, озғин чол тушганини кўриб, хамма донг қотиб қолади.

"Шунча йўлдан Англиядек мамлакатга келар экансиз, сал дурустроқ кийиниб олсангиз бўлмайдими?" деган саволга Ганди: "Мен она Ҳиндистонимнинг жонли тимсолиман, сизлар икки юз йилдан бери талайвериб, диёримни шу ҳолга солдингиз", деб жавоб беради.

58. **84(5Турк)**
**Қ54**

**Қозончи, А. Л.** Ўгай она : турк адабиётининг ҳаётий икки романи / А. Л. Қозончи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 368 б. 5000 нусха.

Ҳусн ва илму одобда бенуқсон бўлган ўн тўққиз ёшли Фотима нега икки етим фарзанднинг отасига турмушга чикди? Онаси-ю холаларининг тушунтиришларидан қўшни ўгай онанинг сабоғи кучлирок таъсир этдими? "Сўнги тўфон" рамзий-мажозий маънони англатади. Романда Турсунга ўхшаган ёвуз, меҳрсиз кимсалар ҳар бир хонадон учун, жамият учун бамисоли тўфон дейилади. Инсонга чуқур эҳтиром билан битилган "Сўнги тўфон" романини ўқиган ҳар бир кишининг қалбини инсоний туйғулар, ўйлар қамраб олади.

59. **84(7Колумбия)**
**М28**

**Маркес, Г. Г.** Ёлғизликнинг юз йили: роман./ **Г. Г. Маркес**. – Тошкент: Sharq, 2014. – 480 б. – (Жахон адабиёти дурдоналари) 5000 нусха.

Нобель мукофоти лауреати Габриэль Гарсиа Маркес жаҳон адабиёти равнақига "Ёлғизликнинг юз йили", "Мустабид паймонаси", "Ўлат изғиган кезларда муҳаббат", "Ойқиз, муҳаббат, авлиё, шайтон ва бошқалар" сингари дурдона романлари билан бетакрор ҳисса қўшган сўз санъаткоридир.

60. **84(5Тум)**
**Т59**

**Тоғон, О.** Бегона: роман / О. Тоғон; тарж. М. Сапаров, М. Аҳмад. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 424 б. 3000 нусха.

Тарихий воқеаларга асосланган "Бегона" романида бундан 150 йил аввал туркманлар қўлига асир тушган француз капрали Гулибеф де Блоквилнинг ғаройиб драматик қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Отажон Тоғоннинг ушбу романи аниқ тарихий ҳужжатлар асосида яратилган.

61. **84(4Гем)**
**Х41**

**Хессе, Х.** Чўл бўриси: роман / Х. Хессе; тарж. М. Акбаров, – Қайта нашри. – Toshkent : O'zbekiston, 2015. – 264 б. 2000 нусха.

Ушбу асар ўқувчига ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ҳал этилмаган маънавий-руҳий зиддиятларни енгиш йўлида ёрдам беради.

62. **84(4Укр)**
**Ш40**

**Шевченко, Т.** Мени ёд эт : шеърлар / Т. Шевченко; тузувчи Э. Очилов. – Toshkent : O'zbekiston, 2013. – 192 б. – (Жаҳон шеърияти дурдоналари) 3000 нусха.

Ушбу тўплам адибнинг энг сара шеър ва достонларининг таржималарини ўз ичига олади. Мазкур асарлари нозик таъбли, баланд дидли, кенг тафаккур соҳиби бўлган янги давр ўқувчиларининг маънавий-эстетик эҳтиёжларига ҳам жавоб бера олади.

63. **84(0)**
**Э62**

**Энг сара детектив** ҳикоялар / тузувчи Р. Жабборов. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 240 б. 5000 нусха.

Ушбу китобдан ўрин олган ҳикоялардаги жозибаси мутлақо бошқача. Қаҳрамонларнинг соф психологик ҳолати, жиноят ишига сабаб бўлган вазият ёки таъбир жоиз бўлса, инсон ички кечинмалари билан боғлик ҳар бир жараён шундай моҳирона тарзда очиб берилганки, ўзингизни беихтиёр асар қаҳрамонлари ёнида тургандек ҳис қиласиз.

## Инглиз адабиёти

64. **84(4Ингл)**
**Д67**

**Doyl, A. K.** Dengiz qaroqchisi Sharkining qismati: sarguzasht-detektiv qissa va hikoyalar / A. K. Doyl; tarj. H. Murodov, Б.м., 2016. – 160 b. – (Jahon adabiyoti kutubxonasi) 5000 nusxa.

Мазкур китоб инглиз ёзувчиси, мутафаккир ва публицист, тиббиёт ва ҳукук фанлари доктори, жаҳон адабиётида детектив ва саргузашт жанрларнинг беназир билимдони сифатида танилган машҳур адиб – Артур Конан Дойлнинг саргузашт-детектив ҳикояларидан иборат.

65. **84(4Ингл)**
**Д67**

**Doyl, A. K.** Maksimus yoxud askardan chiqqan imperator = Максимус ёхуд аскардан чиққан император: tarixiy qissa, sarguzasht va detektiv hikoyalar / A. K. Doyl; tarj. H. Murodov. – Toshkent : Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2016. – 160 b. – (Jahon adabiyoti ) 5000 nusxa.

Мазкур китобдан нафақат детектив ва саргузашт асарлар, балки тарихий қисса ва ҳикоялар ҳам ўрин олган бўлиб, муаллифнинг тарихий саргузашт жанрида қалам тебратувчи адиблар орасида чиндан ҳам устоз мақомида эканлигининг исботидир.

66. **84(4Ингл)**
**S37**

**Svift, J.** Gulliverning sayohatlari = Гулливернинг саёҳатлари / J. Svift; tarj. V. Ro'zimatov. – Toshkent : Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2016. – 128 b. 5000 nusxa.

Инглиз ёзувчиси Жонатан Свифтнинг "Гулливернинг саёҳатлари" асари жаҳон болалар адабиётининг дурдоналари ҳисобланади. Муаллиф Гулливернинг лилипутлар ва дарозлар мамлакатида бошидан кечирган ғаройиб саргузаштларини тасвирлаб, ўқувчиларга олам-олам қувонч ва завқ бағишлайди.

67. **84(4Ingl)**
**V78**

**Voynich, E.L.** So'na: roman / E.L. Voynich. – Toshkent : O'zbekiston , 2015. – 384 b. 2000 нусха.

Таниқли инглиз ёзувчиси Этел Лилиан Войничнинг "Сўна" романида 19 аср воқеа-ҳодисалари тўлақонли буёқларда ёрқин акс эттирилган. Асарда ёш бир йигитнинг изҳорсиз соф муҳаббати, қийналишлари, диний қарашларидаги иккиланишлар, ота билан ўғил ўртасидаги ҳам зиддиятли, ҳам меҳрга йўғрилган муносабатлар тасвирланган.

68. **84(4Ингл)**
**Б24**

**Байрон, Ж. Г.** Ушалмаган орзулар / Ж. Г. Байрон; тузувчи Э. Очилов. – Toshkent: O'zbekiston, 2011. – 152 б. – (Жаҳон шеърияти дурдоналари) 3000 нусха.

Ушбу тўпламда инглиз шоири Байроннинг салкам қирқ йиллик оралиқ билан эълон қилинаётган ўзбек тилига таржима қилинган шеърлар мажмуалари жой олган.

## Немис адабиёти

69. **84(4Нем)**
**К30**

**Кафка, Ф.** Жараён: роман / Ф. Кафка; тарж. В. Файзуллох. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 448 б. – (Камолот кутубхонаси) 3000 нусха.

Вафо Файзуллоҳ таржимаси асосида нашрга тайёрланган мазкур китоб Кафканинг дунё китобхонлари қалбини ларзага солган икки асари – "Жараён" ва "Отамга хат"ни ўз ичига олган.

70. **84(4Нем)**
**Р40**

**Ремарк, Э. М.** Лиссабондаги тун: роман / Э. М. Ремарк; тарж. С. Саидмуродов. – Toshkent: O'zbekiston, 2016. – 312 б. – (Жаҳон адабиёти кутубхонаси) 3000 нусха.

Адибнинг мазкур тақдим этилаётган "Лиссабондаги тун" романида мусофирчиликдаги хору зорликлар, фашизм, зулм ва икки қалб ўртасидаги сўнмас муҳаббат, садоқат каби мавзулар кўтарилган.

71. **84(4Гем)**
**Х41**

**Хессе, Х.** Нюрнбергга саёҳат : сафарнома, қисса ва ҳикоялар / Х. Хессе. – Тошкент : O`zbekiston, 2012. – 192 б. 3000 нусха.

Ушбу китобда Херманн Хессенинг "Нюрнбергга саёҳат" сафарномаси, "Курортдаги киши" номли қиссаси ва айрим ҳикоялари ўрин олган. Сафарномада ёзувчининг 1924 йилнинг кузида Тессиндан Нюрнбергга қилган саёҳати қизиқарли тарзда баён этилади.

## Француз адабиёти

72. **84(4Фр)**
**Б26**

**Бальзак, О. Де** Евгения Гранде: роман / О. де Бальзак; тарж. Даврон. – Toshkent : O'zbekiston NMIU, 2016. – 264 б. 3000 нусха.

Бальзакнинг ушбу асаридаги Гранде образида ўз манфаатларини ҳар нарсадан устун қўювчи ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайдиган француз кишисининг манфаатпарастлик хусусиятлари жуда таъсирчан тарзда ёритилган.

## Рус адабиёти

73. **84(2Рос)6**
**О-48**

**Olesha, Yu. K.** Uch baqaloq = Уч бақалок: bolalar uchun roman-ertak / Yu. K. Olesha; rassom A. Lebedev. – Toshkent: Davr nashriyoti, 2014. – 208 b. 5000 nusxa.

"Уч бақалоқ" – ўзига хос эртак: унда сеҳргарлар ҳам, бошқа мўъжизавий қаҳрамонлар ҳам йўқ. Бироқ қўрқмас қизалоқ Суок, довюрак дорбоз Тибул, мағрур қуролсоз уста Просперолар бор. Улар биргаликда ҳақиқий мўъжизалар яратадилар. Асар шунчалик жонли ва ёрқин ёзилганки, ўқувчи гуёки ҳақиқий театрга тушиб қолгандай ва ажойиб фусункор спектаклни томоша қилаётгандай бўлади.

74. **84(2Рос)1**
**P96**

**Pushkin, A. S.** Ertaklar = Эртаклар / A. S. Pushkin; Пер.Mirtemir. – Toshkent : Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2014. – 128 b. 3000 nusxa.

Шоир томонидан яратилган эртаклар жаҳон адабиётининг нодир намунаси сифатида ўқувчилар меҳрини қозониб келмокда ва кўплаб тилларга таржима этилган. Ушбу китобдан ўрин олган эртаклар хассос шоиримиз Миртемир томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

75. **84(2Рос)1**
**Б94**

**Булгаков, М.** Уста ва Маргарита: роман / М. Булгаков. – Тошкент: Шарк, 2016. – 480 б. – (Жаҳон адабиёти дурдоналари) 10000 нусха.

Роман шундай ёзилганки, ёзувчи худди бу унинг охирги асари эканини илгаритдан сезгандай, унинг саҳифалари орқали ўқувчиларига ўз қалбининг бутун бойликларини, санъаткор қаламининг бутун сеҳрини, сатирик кўзининг бутун ўткирликларини ҳаёлотининг бутун шиддатини ҳамда психологик кузатувининг бутун теранликларини инъом этмоқни истаганини кўриш мумкин.

76. **84(2Р)6**
**Г79**

**Градов, И.** Ўч: тарихий фантастик қисса / И. Градов. – Тошкент: O`zbekiston, 2014. – 160 б. 2000 нусха.

Гитлерни маҳв этиш юзасидан Сталин томонидан берилган топшириқни жасур разведкачилар уддалай олишадими? Таҳликали вазиятларга бой ва муқобил тарих сифатида ёзилган ушбу тарихий фантастик қисса ана шу операция ҳақида ҳикоя қилади.

77. **84(2Рос)**
**Д74**

**Достоевский, Ф.** Телба: роман / Ф. Достоевский. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 944 б. 2000 экз.

Китоб қаҳрамони телба, дарвиш бўлгани ҳолда ўқувчини қайси жозибаси билан ўзига тортади? Буюк қалби билан яшаган князь Мишкин (телба); ҳаётининг ўта мураккаб ва мушкул дамларида зоҳиран жуда гўл ва заиф кўринган қаҳрамонимизга қалбан муҳтожлик сезган Настасья Филипповна, Аглая каби асарнинг таянч қаҳрамонлари мутолаа якунига қадар ўқувчининг диққат марказида туради.

78. **84(2Рос)**
**З-31**

**Замятин, Е.** Қадимги Рим ва Атилла: қисса / Е. Замятин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 152 б. 3000 нусха.

Адиб "Қадимги Рим ва Атилла" қиссасида асли туркий қавмлардан бўлиб, ҳуннлар императори сифатида дунё тарихида қолган Атилланинг болалик ва ўсмирлик йилларини қаламга олади. Қиссадаги аҳлоқан тубанликка юз тутган Рим ҳаёти тасвири ва ёш Атилланинг ички дунёси шаклланиши бугунги кун ўқувчиси қалбида теран мулоҳазалар уйғотишига ишонган ҳолда ушбу китобни тақдим этмокдамиз.

79. **84(2Рос)**
**И42**

**Ильин, М.** Нарсалар ҳақида ҳикоялар / М. Ильин; тарж. И. Муслим. – Тошкент: Davr Press, 2012. – 168 б. 2000 нусха.

"Нарсалар ҳакида ҳикоялар" деб номланган ушбу китобда турмушимизда энг зарур бўлган нарса-буюмларнинг тарихи ҳақида қизиқарли ҳикоялар ўрин олган.

80. **84(2Рос)6**
**К75**

**Қулиев, Қ.** Ҳайрат : шеърлар / Қ. Қулиев; тузувчи Э. Очилов. – Тошкент : O'zbekiston, 2013. – 184 б.. – (Жаҳон шеърияти дурдоналари) 3000 нусха.

Таниқли қабарда-болқор шоири Қайсин Қулиев номи ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. Ўзбек ўқувчилари Зулфия, Шукрулло, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар кабиларнинг таржималари орқали ҳассос сўз санъаткори ижодидан баҳраманд бўлганлар. Ҳусусан, Абдулла Орипов томонидан катта маҳорат ва ёниқ ҳарорат билан таржима қилинган "Ҳайрат" шеърини билмайдиган ўзбек шеърҳони бўлмаса керак. Ушбу тўплам шоир шеърлари ўзбекча таржималарининг энг сара намуналари ва "Ўшанда қиш эди" романи ҳамда лирикаси ичида келган ҳикматли сўзлари асосида тузилди.

81. **84(2Рос)6**
**С43**

**Семёнов, Ю.** Тирик қолиш буюрилган: роман / Ю. Семёнов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 480 б. 5000 экз.

Муаллиф "Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси" романининг узвий давоми бўлган ўзининг янги "Тирик қолиш буюрилган" деб номланувчи асарида гитлерчилар рейхининг ўлим олдидаги талвасасини, фашизм пешволарининг ўз ҳаётларини сақлаб қолиш йўлида ҳар қандай қабиҳликдан ҳам тоймай қилган беҳуда уринишларини тасвирлайди.

82. **84(2Р)1**
**Т64**

**Толстой, Лев**

Анна Каренина / Лев Толстой. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 608 б. 5000 экз.

Романда келтирилган Каренинлар, Облонскийлар ва Левинлардан иборат учта катта оиланинг турмуш-тарзи, уларни боғлаган ришталар, қаҳрамонлардаги эътиқод масаласи, Воронскийни Аннага томон талпинтирган куч, ниҳоят Аннанинг ҳалокатли ўлими тасвирларини ўқиркан, китобхон ўзини беихтиёр Толстойга яқиндек, Толстой қалбини ўқиётгандек ҳис этади.

83. **84(2Р)1**
**Т64**

**Толстой, Лев**

Уруш ва тинчлик: роман / Лев Толстой

**Кн.1 и 2** – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. -976 б.. – (Камолот кутубхонаси) 3000 экз.

Роман-эпопея жанрининг энг шоҳ асарларидан бўлмиш мазкур машҳур "Уруш ва тинчлик" романи кўлами жиҳатидан дунё адабиёти ихлосмандлари томонидан юксак эътирофларга сазовор бўлган.

84. **84(2Р)1**
**Т64**

**Толстой, Лев**

Уруш ва тинчлик: роман / Лев Толстой

**Кн.3 и 4** – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 976 б. 3000 нусха.

Бу китоб фақат уруш ёхуд тинчлик ҳақида эмас. Унда мавзулар қамрови - одамлар қисмати, уларнинг тақдири, ўйлари, қарашлари ва айни пайтда бўлаётган жараёнларга муносабати китобхон эътиборини четда қолдирмайди.

# Ўзбек адабиёти

85. **84(5Ў)6**
**Б65**

**5 қисса**: севги қиссалари / тузувчи Ф. Хидоятов. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 24 б. 3000 нусха.

Мазкур китобга элимизнинг атоқли ва ардоқли ёзувчилари Абдулла Қаҳҳор, Шуҳрат, Одил Ёқубов, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимовларнинг севги, муҳаббат туйғулари, уларнинг изтиробли, ҳижронли онлари ҳаётий ва гўзал тасвирланган қиссалари жамланган. Давр руҳини сақлаб қолиш максадида қиссалардаги баъзи номлар аслиятга асосан қолдирилди.

86. **84(5O`)6**
**A98**

**Ahmad, S.** Jimjitlik: roman / S. Ahmad. – Qayta nashri. Toshkent: Sano-standart, 2016. – 336 b. 10000 nusxa.

Таниқли адибимиз Саид Аҳмаднинг "Жимжитлик" романи 1986-1987 йилларда "Шарк юлдузи" журналида давомли эълон қилинди. Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти уни 1989 йилда 150 000 нусҳада босиб чиқарди. Бирок, ўша даврдаги яккаҳокимлик мафкурасига хизмат қилувчи цензура муаллифни огоҳлантирмай, ҳатто, унга сездирмай, асарнинг учдан бир қисмини олиб ташлади. Оқибатда, майиб асар ўқувчи қўлига тегди. Муаллиф ўтган ўн тўрт йил давомида романни қайта тиклаш учун кўп уринди. У асарни қайта ишлаш жараёнида бугунги кун талабларини назардан қочирмади. Роман ёзувчилик билан эзгуликнинг абадий курашига бағишланган.

87. **84(5O`)6**
**A98**

**Ahmad, S.** Qorako`z Majnun: hikoyalar / S. Ahmad. – Toshkent: Sano-standart, 2016. – 232 b. 10000 nusxa.

Ушбу китобда халқимизнинг суюкли адиби, ҳаёти ибратларга тўла, мустаҳкам ирода соҳиби Саид Аҳмаднинг айрим ҳикоялари ўрин олган. Деярли ҳар бир ҳикояда ўқувчи ўзлигини, қалбидаги имон-эътиқод, она-юрт, ўзгаларга ҳурмат, меҳр-мурувват туйғусини йўқотмаган инсонлар билан учрашади, улардан нимадир олади.

88. **84(5O')6**
**F79**

**Fozilov, N.** Ko'klam qissalari = Кўклам қиссалари: qissalar / N. Fozilov. – Toshkent : O'zbekiston , 2016. – 264 b. 3000 нусҳа.

Болалик - вақт ўтган сари узоқлашиб кетадиган мўъжизадир. Ахир болаликни бежиз қўмсаб юрмаймиз-ку. Аммо адабиёт билан, китоб билан ошно кўнгил бу мўъжизадан ҳеч қачон бебаҳра қолган эмас. Китобга адибнинг "Саратон" ва "Қуш қаноти билан" номли қизиқарли қиссалари жамланди.

89. **84(5O')6**
**G'79**

**G'ulom, G.** Shum bola = Шум бола : qissa / G. G'ulom. – Toshkent : O'zbekiston , 2016. – 176 b. 5000 нусха.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, забардаст адиб Ғафур Ғулом ўнлаб ҳикоялар, қиссалар, шеърлар муаллифидир. У ўз асарларида инсонлардаги маънавий-аҳлоқий фазилатларни ардоқлашга, меҳр-оқибатни улуғлашга, баъзи иллатларни юмор тарзида тасвирлашга интилган.

90. **84(5O')7**
**H71**

**Hoshimov, O'** Dunyoning ishlari = Дунёнинг ишлари : qissa va hikoyalar / O' Hoshimov. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2017. – 336 b. 5000 nusxa.

Жонли ва ҳаётий тасвирлар, соф ўзбекона ёндашув ва характер, қаҳрамонлар ўртасидаги суҳбатлар мутолааси ўқувчини ўз таъсирига олади. Нафақат миллат, балки чин инсонийлик тараннуми ёзувчи асарларида етакчилик қилиши китобхон учун тарбиявий ва ҳаётий сабоқ бўлади. Ҳоҳ жиддий, ҳоҳ ҳажвий бўлсин Ўткир Ҳошимов асарларида ҳаёт қайнайди: унда ҳар биримиз ўзимизни, оиламизни, дўст-у ёримизни, ҳатто ҳеч кимга ўхшамаган онамизни кўрамиз…

91. **84(5O')7**
**H71**

**Hoshimov, O'.** Bahor qaytmaydi = Баҳор кайтмайди : qissa va hikoyalar / O'. Hoshimov. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2016. – 280 b. 5000 nusxa.

“Баҳор қайтмайди" қиссаси 1969 йилда ёзилган. Қиссада ёзувчи истеъдодли, бироқ унинг қадрига етмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум ҳудбин йигитнинг таназзул тарихини, руҳий-маънавий инқирозини санъаткорона таҳлил этиб берган. Орадан ўтган 45 йил қисқа муддат бўлмаса-да, воқеалар бугун ҳам давом этяпти. Ҳаётдаги Алимардон Тўраевлар учун ушбу асар кўзгу, ҳаётий сабоқ бўлса, ажаб эмас.

92. **84(5O')1**
**N14**

**Navoiy gulshani** / tuzuvchi S. Abdukarimov. – Toshkent : O'zbekiston, 2016. – 168 b. 3000 nusxa.

Ушбу китоб буюк шоир Алишер Навоий ижодини халққа етказиш йўлидаги хайрли анъананинг узвий давоми сифатида вужудга келган бўлиб, улуғ санъаткор асарлари асосида тайёрланган мўъжаз гулдастадан таркиб топган.

93. **84(5O')7**
**O14**

**Obidjon, A.** Meshpolvon jangga otlandi = Мешполвон жангга отланди : qissa / A. Obidjon. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2016. – 216 b. – (Kamolot kutubxonasi) 5000 nusxa.

Мазкур китоб Анвар Обиджоннинг халқ достонлари оҳангида битилган қувноқ қиссаси ҳақида. Унда Мешполвоннинг ғаройиб кечинмалари, кўрсатган қаҳрамонликлари ҳикоя қилинган.

94. **84(5O')7**
**T98**

**To'xtaboyev, X.** Jannati odamlar: roman va ertaklar / X. To'xtaboyev. – Qayta nashri. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2016. – 272 b. 10000 nusxa.

Адибнинг мазкур китобида болажонларга орзу қилишга ўргатадиган, илоҳий қувват берувчи, ғайрату шижоат бағишловчи эртаклардан иборат.

95. **84(5У)7**
**T98**

**To'xtaboyev, X.** Mungli ko’zlar: ertak-roman = Мунгли кўзлар: эртак-роман / X. To'xtaboyev. – Qayta nashri. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2016. – 308 b. 5000 nusxa.

Севимли ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоевнинг мазкур асарида мол-дунёни ҳар нарсадан устун билган ва охир-оқибатда гулдек фарзандларининг аччик қисматига сабаб бўлган ота-она ҳақида ҳикоя қилинган.

96. **84(5O')6**
**T98**

**To'xtaboyev, X.** Qiz bolaga tosh otmang / X. To'xtaboyev. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2017. – 352 b. 5000 nusxa.

Ушбу китобда севимли ёзувчимизнинг сўнгги йилларда ёзган икки романи ўрин олган. Асар қаҳрамонлари мустақиллик даврининг фарзандлари. Улар мустақиллик яратиб берган имкониятлардан фойдаланиб, фермер хўжалиги ташкил этадилар.

97. **84(5O')6**
**U47**

**Umarbekov, O'.** Oyning oltin o'rog'i = Ойнинг олтин ўроғи : hikoyalar / O'. Umarbekov. – Toshkent : O'zbekiston , 2015. – 192 b. 3000 nusxa.

Ушбу ҳикояларда турли характердаги инсонларнинг тақдири, кечинмалари, ўй фикрлари, воқеа-ҳодисалар ўзига хос санъаткорона тарзда тасвирланган,

98. **84(5O')6**
**X72**

**Xolmirzayev, Sh.** Kimsasiz hovli = Кимсасиз ҳовли : hikoyalar / Sh. Xolmirzayev. – Toshkent : O'zbekiston , 2015. – 192 b. 3000 nusxa.

Мазкур "Ҳикоялар хазинаси" рукни остидаги "Кимсасиз ҳовли" тўпламидаги ҳикоялар ҳам китобхонни ҳаётнинг сўқмоқли йўлларига бошлаб киради, ўйлатади, ранжитади, қувонтиради, уларга турмуш кечинмаларининг турли қирраларини кўрсатиб беради.

99. **84(5O')6**
**Yo93**

**Yoqubov, O.** Vido = Видо : hikoyalar / O. Yoqubov. – Toshkent : O'zbekiston , 2015. – 192 b. 3000 nusxa.

"Ҳикоялар хазинаси" рукни остида "Видо" китобига адибнинг энг сара ҳикоялари жамланган бўлиб, ушбу ҳикояларда турли характердаги инсонларнинг тақдири, кечинмалари, ўй-фикрлари, воқеа-ҳодисалар ўзига хос санъаткорона тарзда ҳаётий тасвирланган. Тақдим этилаётган ҳикояларда ўша давр руҳини сақлаб қолиш мақсадида шаҳарлар ва атамалар номи аслиятга асосан қолдирилди.

100. **84(5Ў)6**
**A15**

**Абдураҳмонов У.** Чангалзор пайғамбарининг ҳалокати : эссе / У. Абдураҳмонов. – Тошкент : O'zbekiston, 2012. – 376 б. 5000 нусха.

Китобда Ўрозбой Абдураҳмоновнинг "Чангалзор пайғамбарининг ҳалокати эссеси ҳамда "Бўсаға" романи ўрин олган. Мазкур асарларда инсонийликнинг энг қадрли фазилатларини оёқ ости қилган, содда одамларни алдаб, уларни ҳаёт йўлларида адаштирган бир гуруҳ фирибгарларнинг кирдикорлари, фожиавий тақдирлари қизиқарли ва ишонарли баён этилган.

101. **84(5У)6**
**A49**

**Али, Муҳаммад**
Улуғ салтанат: эпопея / Муҳаммад Али
**Кн.3 Мироншоҳ Мирзо**. – Тошкент: Sharq, 2014. – 528 б. 5000 нусха.

Адиб Соҳибқирон ҳақидаги романлар сериясини давом эттириб ёзган Улуғ салтанатга кирувчи учинчи китобида - ушбу Мироншоҳ Мирзо романида салтанат тарихидаги мураккаб давр милодий 1392-1400 йиллар воқеаларини қаламга олган.

102. **84(5У)6**
**A49**

**Али, Муҳаммад**
Улуғ салтанат: эпопея/ Муҳаммад Али
**Кн.4 Шоҳрух Мирзо**. – Тошкент: Sharq, 2014. – 560 б. 5000 нусха.

Тарихда милодий 1400 йил арафасида дунё хариталарини ўзгартириб юборган воқеалар рўй берди. Марказий Осиёда Ҳиндистон Турон салтанати томонидан забт этилди.

103. **84(5Ў)1**
**А60**

**Амирий.** Қошингга тегузмагил қаламни: ғазаллар / Амирий; тузувчи А. Мадаминов. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 336 б. – (Шарк мумтоз шеърияти дурдоналари) 5000 нусха.

Ўзбек мумтоз сўз санъати тарихида алоҳида ҳодиса бўлган Қўқон адабий муҳитининг вужудга келиши, гуллаб-яшнаши ва адабиётимизнинг муҳим бир босқичини ташкил этилишида катта роль ўйнаган. Амир Умархоннинг ўзи ҳам катта истеъдод соҳиби бўлиб, давр адабий муҳитининг пешқадам шоирларидан эди. У Амирий тахаллуси билан ўзбек ва форс-тожик тилларида мумтоз шеъриятнинг унга яқин жанрларида бирдай маҳорат билан қалам тебратган, ҳар икки тилда девон тартиб берган забардаст зуллисонайн сўз санъаткори ҳисобланади. Шоирнинг ўзбек тилидаги девони асосида тайёрланган ушбу тўплам унинг ҳассос ва дил тортар ғазалларидан тузилган.

104. **84(5Ў)1**
**Б34**

**Бать, Л.** Ҳаёт бўстони : Навоий ҳақида қисса / Л. Бать. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги нашриёти, 2016. – 448 б. 500 нусха.

Ёзувчи Лидия Бать ушбу асарни қоғозга туширмоқ учун қанчадан-қанча қўлёзмаларни ўргангани, Навоий асарларининг мағзини чақишга ҳаракат қилгани тайин. Бизга эса уни ўқиш ва ҳаёт гулшани ифорларидан баҳра олиш қолди. холос.

105. **84(5Ў)6**
**Б79**

**Бобоев, С.** Тунги қўрқув : ҳикоялар / С. Бобоев. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 248 б. 3000 нусха.

"Мен англаган ҳақиқатлар, "Армонли дунё", "Сиртмоқ қошидаги ўйлар" китоблари муаллифи Саидвафо Бобоевнинг ушбу китобида ўзига хос услубда ёзилган туркум ҳикоялар жамланган. Муаллиф ўзи кўрган ва бевосита иштирок этган воқеа-ҳодисаларни бадиий талқин қилади. Бири-биридан ҳаяжонли, қизиқарли ва айни пайтда ҳаётий бўлган ҳикоялар ўқувчиларни беихтиёр воқеалар домига тортади. Ҳикояларда ўзимизнинг содда ва самимий одамларимиз характери, дунёқараши моҳирлик билан тасвирланган.

106. **84(5Ў)7**
**Б81**

**Бойқўзиев, А.** Тешикмозор ҳангомалари: ҳажвий қисса / А. Бойқўзиев. – Ташкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 136 б. 500 нусҳа.

Беғараз, беғубор кулгу халқимизнинг жону дили. Шу боисдан ҳам ушбу тўпламга таниқли ижодкор Абдунаби Бойқўзиев қаламига мансуб ичакузар ҳангомалар, латифалар жамланди.

107. **84(5Ў)7**
**Б99**

**Бўрихон, Л.** Қуёш ҳали ботмаган: қиссалар ва ҳикоялар / Л. Бўрихон. – Toshkent: O'zbekiston, 2015. – 368 б. 2000 нусха.

Ушбу тўпламга ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг бир неча қисса ва ҳикоялари киритилган бўлиб, уларнинг ҳеч бири ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Мутолаа давомида китобхон бадиий тил нафосатидан, тиниқ жонли тасвирлар жозибасидан завқ-шавққа тўлади.

108. **84(5Ў)6**
**Д99**

**Дўст, М. М.** Лолазор : роман / М. М. Дўст. – Тошкент : O`zbekiston, 2016. – 560 б. 3000 нусха.

Лолазор романи поёнига етаётган аср ўзбек адабиётининг жиддий ҳодисаси бўлиб, у миллий романчилигимиз тараққиётида муҳим босқич ҳисобланади. Бу роман кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

109. **84(5Ў)7**
**Д99**

**Дўстмуҳаммад, Х.** Донишманд Сизиф : романлар / Х. Дўстмуҳаммад. – Тошкент : O'zbekiston, 2016. – 360 б. 3000 нусха.

Фозилбек оғир руҳий изтироблар исканжасида. У ўзининг дунёга келиш синоатларини, онасининг дийдорига етишиш бир умрлик армонга айланганини сира унутолмайди, ўзи оила қурадиган фурсат етганида эса тўкис оила асосларини ўзича талқин этадиган йигитга айланиб улгурганди. Китобдан ўрин олган иккинчи роман каҳрамони жаҳон адабиётида машҳурдан-машҳур бўлган Сизиф образи. Муаллиф кенг оммалашган афсонавий-мифологик қаҳрамон муб-тало этилган шавқатсиз қисмат орқали инсон, дунё, муносабатлар гирдоби ҳақида ўзига хос куза-тишлари, ўйларини муҳтарам китобхонлар эътиборига ҳавола этади.

110. **84(5Ў)7**
**Ж13**

**Жабборов, Р.** Ҳиёнат чорраҳаси: детектив қиссалар / Р. Жабборов. – Қайта нашри. – Тошкент: Davr Press, 2016. – 280 б. 2000 нусха.

Ушбу китобда истеъдодли ижодкор Рустам Жабборовнинг сара детектив қиссалари жам-ланган. Асарлардаги самимийлик, ўзига хос содда тил ҳамда қандайдир сеҳрли куч ўқувчини адабиётнинг сирли оламига олиб кира олади.

111. **84(5Ў)1**
**И14**

**Ибн Сино А. А.** Мен англаган дунё / А. А. Ибн Сино. – Тошкент: Sharq, 2015. – 272 б.. – (Шарқ мумтоз шеърияти дурдоналари) 3000 нусха.

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Синонинг тафаккур гулшанидан дасталанган ушбу гулдаста улуғ донишманднинг ҳассос ишқий ғазаллари, хикматга йўғрилган рубоийлари, турмуш фалсафасини ўзида акс эттирган сермазмун қитъа ва байтлари, рамзу тимсоллар асосига қурилган машҳур "Айния" қасидаси, "Уржуза" номли тиббий достонини ўз ичига олади.

112. **84(5Ў)7**
**И13**

**Ибодинов, А.** Шафқатсиз тоғлар: роман, қисса, роман-хроника / А. Ибодинов. – Тошкент: Sharq, 2015. – 384 б. 3000 экз.

Ёзувчи Алишер Ибодинов мазкур тўпламга жамланган янги асарлари ўқувчини чуқур мушоҳадага ундайди. Қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари, ҳаётга қарашлари ўзига хос услубда талқин этилади.

113. **84(5Ў)7**
**И81**

**Исмоил, А.** Жинлар базми ёхуд катта ўйин : роман / А. Исмоил. – Тошкент : Академнашр, 2016. – 416 б. 1000 экз.

Ўзбек романчилиги тарихида янги саҳифа очиши кутилаётган мазкур асарда Абдулла Қодирий ҳаётининг сўнги дамлари ва ўлкамизда 19 аср ўрталарида юз берган аянчли воқеалар қаламга олинган. Ёзувчи воқеаларни шу қадар усталик билан кўз олдимизда гавдалантирадики, сўнгги саҳифагача китобхон асар таъсиридан чиқиб кетолмайди.

114. **84(5Ў)7**
**И84**

**Исхоқ, С.** Қиёматга қолмаган қасос : тарихий-детектив роман / С. Исхоқ. – Тошкент : Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 484 б. 1000 нусха.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли адиб Сойим Исхоқ қаламига мансуб "Қиёматга қолмаган қасос" романининг бош қаҳрамони Шунқорбек зеҳни, ақли ва тиришқоқлиги, билимдонлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. Таҳсилдан сўнг сарой мулозимига айланиб, катта мансаб эгаси бўлади. Худди шундай пайтдан Абдуборининг дилида сабоқдош дўстига нисбатан адоват, ҳасад ўти аланга олади. Мудҳиш жиноят юз беради. Ушбу асар завқ-шавқ, катта қизиқиш билан ўқилади. Китобхон кўнглида ёвузликка, ҳиёнатга нисбатан ўтли нафрат, эзгуликка, адолатга нисбатан нурли муҳаббат, эҳтиром пайдо килади.

115. **84(5Ў)4**
**К53**

**Қодирий, А.** Меҳробдан чаён: роман / А. Кодирий. – Қайта нашри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 328 б. 5000 нусха.

Йиллар ошган мазкур асар ҳар гал ўқувчини қайсидир жиҳати билан сергаклантиради. Даврнинг жирканч муҳити, амалпарастлик, турмуш икир-чикирлари ва ниҳоят гўзал муҳаббат тавсифларига бой ушбу асарнинг бугунги кунгача ардоқда эканлиги тасодиф эмас, албатта…

116. **84(5Ў)7**
**К59**

**Коржовов, А.** Сўнгги кеча: детектив ҳикоялар / А. Коржовов. – Тошкент: Sano-standart, 2016. – 288 б. 5000 нусха.

Инсон умри давомида гоҳ реал ҳаётда, гоҳ китобхонларда кўплаб жиноят жумбоқларига, сирли воқеаларга дуч келади. Азамат Коржововнинг детектив жанридаги ҳикоялар тўплами китобхонда катта қизиқиш уйғотади.

117. **84(5Ў)6**
**М36**

**Максуд, Т.** Қайтмас тўлқинлар / Т. Максуд. – Тошкент : O'zbekiston, 2014. – 520 б. 3000 нусха.

Дунёнинг энг буюк тилсими, энг буюк мўъжизаси - Инсон! Бу тилсимнинг, бу мўъжизанинг гўдаклик, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик, ёшлик даврлари қандай кечади? Камолот йўлида қандай азиятлар чекади? Ўз умр йулини англаб мудом олға интилиб яшаш осонми? Китоб шу ҳусусда. У ўқувчини руҳ оламининг ёруғ йўлларига етаклайди

118. **84(5Ў)6**
**М22**

**Малик, Т.** Келинлар дафтарига / Т. Малик. – Қайта нашри. – Тошкент : Davr Press, 2017. – 512 б. 2000 нусха.

Ушбу аҳлок рисоласи келинларга ёзилган бўлсада, унда куёв, қайнота, қайноналар эътиборини тортувчи масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилган. Китобда қўни-қўшничилик, меҳмондўстлик, вақт қадри, исрофгарчиликдан қочиш, хуллас, инсонни гўзал қилувчи жамики фазилатлар ҳусусида сўз боради.

119. **84(5Ў)7**
**М22**

**Малик, Т.** Ҳикоялар / Т. Малик. – Тошкент : "Sharq-ziyo-zakovat", 2017. – 452 б. 5000 нусха.

Ушбу китобга Тоҳир Маликнинг турли йилларда ёзилган сара ҳикоялари жамланди.

120. **84(5Ў)7**
**М29**

**Марҳабо.** Афлотуннинг хотини : шеърлар / Марҳабо. – Тошкент : O'zbekiston, 2015. – 208 б. 5000 нусха.

Марҳабонинг "Афлотуннинг хотини" номли шеърий тўпламига Ватан, Она , фарзанд ва шу каби ҳаётий шеърлари жамланган.

121. **84(5Ў)7**
**М29**

**Марҳабо.** Орқамда қолган кампирим: шеърлар / Марҳабо. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 72 б. 20000 нусха.

122. **84(5Ў)6**
**М31**

**Матжон, О.** Умр ўтар, вақт ўтар: шеърлар / О. Матжон. – Тошкент: O`zbekiston, 2016. – 144 б. 3000 нусха.

Ўзбек халқининг севимли шоири Омон Матжоннинг мазкур тўпламига унинг шу пайтгача нашр этилган барча китобларидаги энг сара лирик, ижтимоий, тарихий, фалсафий ҳамда жаҳон адабиётидан қилинган таржима шеърлари жамланган.

123. **84(5Ў)7**
**М54**

**Мирзо, А.** Суиқасд: роман / А. Мирзо. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – 360 б. 20000 нусха.

Мазкур роман "Аёзи чўзилган баҳор" ва "Ажал билан юзма-юз" китобларининг мантиқий давомидир. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида мамлакатимизда содир этилган даҳшатли воқеалар қиш аёзининг ҳамон давом этганидан дарак беради.

124. **84(5Ў)7**
**М54**

**Мирзо, Б.** Тиллафуруш : роман / Б. Мирзо. – Наманган : Наманган, 2016. – 720 б. 5000 нусха.

Китобдан тўғри йўлдан адашган, бойлик ва кибр-ҳаводан ҳазар қилмайдиган, айни дамда эса бошига тушган кўргиликлардан тўғри хулоса чикармаган инсонлар қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

125. **84(5Ў)7**
**М95**

**Муҳаммад, И.** Бриллиант узук сири: ҳикоя ва қиссалар / И. Муҳаммад. – Тошкент : Davr Press, 2016. – 176 б. 1000 нусха.

Иброҳим Муҳаммад шу жанрда ижод қилаётган ёзувчиларимиздан бири. Унинг жиноятни очишдаги ўзига хос ечимлари ҳикоя ва қиссаларининг ўқишли бўлишига хизмат қилади.

126. **84(5Ў)6**
**М92**

**Мухтор, О.** Узун йўлакдаги икки киши: адабий манзаралар. / О. Мухтор. – Toshkent : O'zbekiston, 2011. – 360 б. 5000 нусха.

Таниқли адиб, санъат арбоби Омон Мухторнинг ушбу китобига йиллар давомида газета ва журналларда босилган ҳаёт кузатувлари, ўйлар, суҳбатлар, хотиралар, тасвирлари киритилган.

127. **84(5Ў)7**
**Н23**

**Намозов, А.** Тоҳир Малик гурунглари / А. Намозов; муҳаррир А. Йулдошев. – Toshkent : O'zbekiston , 2016. – 392 б. 3000 нусха.

Ушбу китоб кечаги, бугунги кун ва келажак хусусида турли мавзуларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Китобда муайян масалалар юзасидан устоз ва шогирднинг турли қарашлари, фикр-мулоҳазалари кенг жой олган.

128. **84(5Ў)7**
**Н69**

**Нишонов, И.** Чимилдиқда ёнган қиз : прокурор хотиралари / И. Нишонов. – Наманган : Наманган, 2013. – 120 б. 1000 нусха.

Ушбу асарда узоқ йиллар давомида прокуратура соҳасида хизмат қилган адлия полковниги Ҳожирахон Қиргизбоеванинг оғир жиноятларни очишдаги тажрибаси, заҳматли меҳнати акс эттирилади. Шунингдек, китобга муаллифнинг "Бриллиант операцияси" қиссаси ҳам киритилган.

129. **84(5Ў)6**
**Р87**

**Нормуродов, А.** Қонли йўргаклар / А. Нурмуродов. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 512 б. 5000 нусха.

Ушбу китоб Абдурашид Нормуродовнинг ўн йиллар мобайнида Афғонистон тупроғида бораётган қонли уруш ҳақидаги ҳикояларидан иборат.

130. **84(5Ў)6**
**О16**

**Обиджон, Анвар**
/ Анвар Обиджон
**К.1 Турмуш кечинмалари** . – Toshkent: O'zbekiston, 2015. – 432 б. 3000 нусха.

Муаллиф бу асарда эски тузум даврида кечган болалиги ва замоннинг қусурларини, ҳаётимизга кириб келган алдовларни ҳамда маънавий тарбиямизга етказган салбий оқибатларини ёрқин буёқларда кўрсатиб берган.

131. **84(5Ў)1**
**О-21**

**Огаҳий.** Жамолинг жилваси / Огаҳий; тузувчи Э. Очилов. – Toshkent: O'zbekiston, 2013. – 176 б. – (Жаҳон шеърияти дурдоналари) 3000 нусха.

Ушбу тўпламда Шарқ шеъриятининг деярли барча жанрларида қалам тебратган серқирра ва сермаҳсул қалам соҳиби Огаҳийнинг етук ғазал, рубоий ва қитъалари ҳамда мустазод, мураббаъ, муҳаммас, мусаддас, таржеъбандларидан намуналари ўз ичига олади.

132. **84(5Ў)6**
**О-38**

**Ойбек.** Навоий: роман / Ойбек. – Тошкент: Узбекистон, 2016. – 456 б. 5000 нусха.

Ойбек яратган "Қутлуғ қон" ва "Навоий" романлари ўзбек романнавислик мактабининг дурдона асарлари сирасига киради. 21 асрда улғайиб бораётган китобхонлар улуғ адибнинг "Навоий" романини, ота-оналари сингари, севиб ўқийдилар, деб умид қиламиз.

133. **84(5Ў)7**
**О-58**

**Онажон - Каъбам** ўзинг: она ҳақида машҳур ҳикоялар / тузувчи С. Турсунов. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 312 б. 1000 нусха.

Она Ер, Она Ватан, Она Тил ва Она Табиат. Шу тўрт номсиз ҳаёт йўқ, демак онанинг яна битта номи ҳаёт. Дунё тарихларини, адабиёти-ю, санъатини, жамики, бетакрор ижод намуналарининг бош мавзуси - Аёл. Аёл эса - Она, опа, сингил, ёр.

134. **84(5Ў)6**
**О-68**

**Орипов, А.** Умр манзиллари: шеърлар, шеърий трактат, ғазаллар / А. Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2014. – 152 б. 3000 нусха.

Халқ шоири Абдулла Ориповнинг янги тўпламида кейинги икки-уч йилда турли вазиятларда, саёҳатлар ва сафарларда ёзилган шеърлари, "Ранглар ва оҳанглар" шеърий трактати ва ғазалларидан иборат.

135. **84(5Ў)6**
**О-68**

**Орипов, А.** Эверест ва уммон: шеърлар / А. Орипов; муҳаррир А. Назар. – Тўлд. ва қайта ишл. 2-нашри – Тошкент : O'zbekiston, 2017. – 392 б. 3000 нусха.

Ушбу тўпламда озод ва покиза кўнгилнинг гоҳ майин, гоҳ нолакор, гоҳ ўтли, гоҳ мунгли туйғулар мусаввири Ўзбекистон Қаҳрамони, Халк шоири Абдулла Ориповнинг сўнгги йилларда ва вафотидан олдин ёзилган шеърлари жамланган.

136. **84(5Ў)6**
**О-80**

**Осим, М.** Жайҳун устида булутлар: тарихий қиссалар / М. Осим. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 104 б. 500 нусха.

Мазкур китобдан ёзувчининг "Широқ", "Ибн Сино қиссаси", "Алжабрнинг туғилиши", "Темур Малик" қиссалари ўрин олган.

137. **84(5Ў)6**
**О-86**

**Отабек, Ш.** Адабиёт қисматдир: маколалар, эсселар, хотиралар, суҳбатлар / Ш. Отабек. – Toshken : Sharq, 2014. – 328 б. 2000 нусха.

Ёзувчи Шодмон Отабекнинг ушбу китобида ўзи билган, кўрган шоир ва ёзувчилар ҳақидаги адабий кузатишлари, талқинлари ва хотираларидан саралаб, адабиёт ихлосмандларига тақдим этилган.

138. **84(5Ў)6**
**О80**

**Отабек, Ш.** Дўрмон ҳангомалари / Ш. Отабек; муҳаррир А. Мелибоев. – Тўлд. ва қайта ишл. 5-нашри – Тошкент : Sharq, 2016. – 528 б. 3000 нусха.

Мазкур китобда таниқли шоир ва ёзувчи, адибларнинг ҳаётида рўй берган қизиқ, кулгили ва ибратли воқеалар, ҳангомалар, аския, латифалар, ажойиб лутфлар қаламга олинган.

139. **84(5Ў)**
**О-86**

**Отаули.** Билга хоқон достони: насрий достонлар ва ҳикоялар / Отаули. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 304 б. 3000 нусха.

Отаули устозлар тажрибаларига таянган ҳолда талай йиллардан буён бадиий насримизда ҳозирга қадар қаламга олинмаган тарихий сиймоларимиз хусусида нисбатан ихчам насрий асарлар қоралаб келади. Ёзувчи ушбу йуналишдаги ижодий изланиш маҳсулларини бир китобга жамлаб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмокда.

140. **84(5Ў)6**
**П21**

**Парфи, Р.** Туркистон руҳи: сайланма / Р. Парфи. – Тошкент: Sharq , 2013. – 320 б.

Ушбу сайланмага Ўзбекистон Халк шоири, XX аср иккинчи ярми ва XXI аср боши ўзбек адабиётида ёрқин из қолдирган, шеър тараққиётида ўзига хос олий мақомли мактаб яратган бадиий сўз моҳири, мардона ва гўзал қалбли куйчимиз Рауф Парфининг энг сара шеърлари ва шеърий таржималари жамланган.

141. **84(5Ў)**
**С22**

**Саййид, С.** Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур... : фироқ ва соғинч достони / С. Саййид. – Toshkent : O'zbekiston, 2011. – 160 б. 5000 нусха.

Ўзбекистон халк шоири Сирожиддин Саййиднинг устозлар мактаби ва тажрибасидан ибрат олиб ёзган мазкур достони янгича йўли, ўзига хос услуб ва тузилмаси, шоҳ ва шоир бобомизнинг асосан ички-руҳий ва қалбий кечинмалари, ўй ва изтиробларини очиб бериши билан эътиборга моликдир.

142. **84(5Ў)6**
**С28**

**Самандар, Э.** Қирон ғилдираги: тарихий роман / Э. Самандар. – Тошкент: Sharq, 2016. – 224 б. 3000 нусха.

**Аннотация:** Мазкур асар қирғин салтанатидан соғлом тафаккур, ҳаксизлик устидан ҳурлик-озодлик, разолат устидан адолат тантанаси муқаррар эканлигини кўрсатувчи ўзига хос яна бир қатағоннома асардир.

143. **84(5Ў)7**
**С96**

**Султон, И.** Боғи Эрам: қисса ва ҳикоялар / И. Султон. – Тошкент: Sharq, 2015. – 256 б. 2000 нусха.

Исажон Султоннинг ушбу тўпламидан жой олган қиссаси ўзбек оналарининг мангу таъзимига сазовор инсоний фазилатлари, руҳиятлари ҳақида. Асар оддий ўзбек оиласида дунёга келган қизалоқнинг болалик давридаги беғубор ўй-ҳаёллари, таасуротларининг бетакрор баёни билан бошланади.

144. **84(5Ў)7**
**Т49**

**Тиловатов, Ф.** Қорқизларнинг қотиллиги: қиссалар / Ф. Тиловатов. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2015. – 240 б. 2000 нусха.

Ушбу китобда детектив жанрида ёзилган уч қисса жой олган. Ўқувчи ҳар бир асар қаҳрамони бошидан кечираётган бир-биридан ҳаяжонли, қизиқарли, шиддатли воқеаларга гувоҳ бўлади.

145. **84(5Ў)6**
**Т60**

**Тоир, М.** Савоб асли самодан тушмас: шеърий ҳикматлар / М. Тоир. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 212 б. 3000 нусха.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон халк шоири Маҳмуд Тоирнинг "Шеърий ҳикматлар"ни кенгайтириб, иккилик ва тўртликлардан иборат ҳикматлар гулдастасталари жой олган.

146. **84(5Ў)6**
**Ў75**

**Ўнар, С.** Бибисора: қиссалар, ҳикоялар, эсселар / С. Ўнар. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – 304 б. 5000 нусха.

Мазкур китобга истеъдодли ёзувчи Собир Ўнарнинг кейинги йилларда ёзган ва матбуотда чоп этилган қисса, ҳикоя ва эсселари жамланди. Адиб асарларида ўзига хос жозибали тил

жилолари устуворлик қилади. У кейинги йилларда ижтимоий мавзулар қаторида маънавий, оилавий, аҳлоқий ва севги-муҳаббат мавзуларида ҳам дадил қалам тебратиб келаётир.

147. **84(5Ў)6**
**У73**

**Усмон, Э.** Марҳум кеч соат саккизда келади...: саргузашт-мистик ҳикоялар ва қиссалар / Э. Усмон. – Тошкент : Шарк, 2011. – 304 б. 5000 нусха.

Саргузашт-мистик жанрида ёзилган асарлар ўзининг кутилмаган, ғайритабиий, сирли ва ниҳоятда қизиқарли бу жанрда саргузашт ҳам, детектив ҳам, фантастика ҳам бир-бирига йўғрилиб кетади.

148. **84(5Ў)6**
**Ф79**

**Фозилов, Н.** Топдиму йўқотмадим: хотиралар, воқеий ҳикоялар / Н. Фозилов. – Тошкент : Шарк, 2010. – 272 б. 3000 нусха.

Носир Фозиловнинг ажойиб хотира ва воқеий ҳикояларини ўқигансиз, албатта. Ўйлаймизки, адибимизнинг адабиётлар дўстлиги - халқлар дўстлиги мавзуси доирасида тартиб берган навбатдаги "Топдиму йўқотмадим" номли китоби ҳам Сиз азиз китобхонларга манзур бўлади.

149. **84(5Ў)**
**Х20**

**Ҳаким, Охунжон**

Сайланма / Охунжон Хаким

**Т.3 Ғалати дунё**: эсселар, қиссалар, ҳикоялар, адабий ўйлар. – Тошкент: Sharq, 2014. – 376 б. 1500 нусха.

Кишини гоҳ кулдириб,гоҳ ҳушёр қиладиган ранг-баранг воқеа-ҳодисаларни ўзида жамлаган ушбу асар китобхоннинг яқин суҳбатдошига айланиб қолади, деб ўйлаймиз.

150. **84(5Ў)6**
**Ҳ71**

**Ҳошимов, Н.** Топталган гулбадан: қисса/ Н. Ҳошимов. – Тошкент: Ijod-Press, 2017. – 204 б. 3000 нусха.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ёзувчи Набижон Ҳошимовнинг мазкур асаридаги Зебузар исмли қиз эса бизнинг замондошимиз. Ҳа, унинг қисмати ўта ачинарли ва аччиқ. Афсуски, бундай ҳолатга жамиятимизда учраб турадиган баъзи диёнатсиз, имонсиз ва худбин одамлар сабабчи.

151. **84(5Ў)7**
**Ҳ71**

**Ҳошимов, Ў.** Нур борки, соя бор: роман / Ў. Ҳошимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 288 б. 5000 нусха.

Ўткир Ҳошимовнинг "Нур борки, соя бор" асарида жамият ҳаётидаги иллатлар, турғунликнинг моҳияти, инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммо ва қадрятлар, инсонлар ўртасидаги севги ва ҳиёнат, бир сўз билан айтганда, "нур" ва "соя"лар орасидаги азалий кураш мавзуси қаламга олинган.

152. **84(5Ў)6**
**Ҳ71**

**Ҳошимов У.** Севги қиссалари: ҳикоялар ва қиссалар / Ў. Ҳошимов. – 2- нашри. – Тошкент : O`zbekiston, 2015. – 480 б. 3000 нусха.

Элимизнинг атоқли ва ардоқли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳам муҳаббат ҳақида талай ҳикоя, қисса, романлар ёзган ва улар китобхонлар томонидан қизиқиш билан мутолаа қилиб келинмоқда. Бу асарларда севгининг сеҳр қувончлари, изтироб ва армонлар ғоят ҳаётий, таъсирчан акс этган. Ушбу китобга адибимизнинг энг ҳаяжонли асарлари жамланган.

153. **84(5Ў)7**
**Ҳ71**

**Ҳошимов, У.** Тушда кечган умрлар: роман / Ў. Ҳошимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 272 б. 5000 нусха.

Романда келтирилган воқеалар қамрови жуда кенг: 30-йилларнинг машъум "қатағон" қилиш манзараларини, 80-йиллардаги кўпчиликнинг ёстиғини қуритган Афғонистон уруши лавҳалари, шу йилларда содир бўлган "ўзбек иши"… Инсонлар ҳаётида содир бўладиган бу учта йирик, жуда катта ҳажмли воқеаларни бир-бири билан боғлашда ёзувчи маҳоратига тан бермасликнинг иложи йўқ.

154. **84(5Ў)7**
**Х87**

**Худойқулов, М.** Машҳур изқувар Шерлок Холмснинг уйида меҳмон бўлганим : Саёҳатлар ва ҳикоятлар / М. Худойкулов. – Тошкент : Навруз, 2016. – 176 б. 1000 нусха.

Ёзувчи Мухтор Худойқуловнинг "Ўйлаб топилган ҳикоялар" туркумига кирувчи мазкур навбатдаги китобида муаллифнинг дунёнинг қатор мамлакатлари бўйлаб қилган сафар ва саёҳатлари давомида кўрган-кечирган воқеалари, турли миллат кишилари билан қилган қизиқарли мусоҳабалари ҳақида ҳикоя қилинади.

155. **84(5Ў)1**
**Ш47**

**Шерозий, С.** Ҳаёт ҳикмати / С. Шерозий; тарж. Э. Очилов. – Тошкент : Узбекистон , 2013. – 224 б.. – (Жаҳон шеърияти дурдоналари) 3000 нусха.

Шарқ мумтоз сўз санъатида дидактик йўналишни юксак даражага кўтаргани жихатидан ахлоқ муаллими сифатида машҳур бўлган забардаст сўз санъаткори, мутафаккир адиб Садъий Шерозийнинг бой адабий мероси асосида тайёрланган ушбу тўплам унинг ғазал, рубоий ва фардларидан намуналарни, шунингдек, "Бўстон" ва "Гулистон" асарлари ва умумижодидан саралаб олинган кенг дунёқараш, чуқур билим ва катта ҳаётий фалсафа билан тўйинган, ҳар бири халқ мақоллари каби жарангловчи бадиий баркамол ҳикматларини ўз ичига олади.

156. **84(5Ў)7**
**Э74**

**Эргашев, Б.** Кундан кун яхши: шеърлар / Б. Эргашев; муҳаррир. У. Рахимов. – Тошкент: Sharq, 2014. –176 б. 3000 нусха.

Мазкур тўпламда шоир Ботиржон Эргашевнинг инсон рухиятининг ранго-ранг қирралари акс этган шеърлари жамланган.

# Тарих

157. **63.3(5Ў)**
**А49**

**Али, М.** Амир Темур қалбида чақнаган нур / М. Али, Т. Хайит. – Toshkent: O'qituvchi, 2016. –264 б.

Мазкур китоб диалог, яъни дилкаш суҳбат тарзида ёзилган, бошқача айтганда, уни кўнгилдаги гаплар. дейиш мумкин. Муаллифлар хеч ким билан бахслашмайдилар, тортишмайдилар, Сохибкирон Амир Темур шахси, фаолияти, тарихимиз, мустақиллигимиз, адабиёт, хилма-хил тақдирлар, одамлар ҳақида ўз фикрларини билдириб ўртоқлашадилар, ўқувчини беихтиёр сухбатга чорлайдилар.

158. **63.3(5Ў)**
**Б56**

**Бердимуродов, А.** Самарқанд тарихидан томчилар: мақолалар, суҳбатлар, тадқиқотлар / А. Бердимуродов. – Тошкент: Маънавият, 2015. – 400 б. 1000 нусха.

Муаллифнинг ушбу тўпламга киритилган мақолалари ва сухбатларида Самарканд шахрининг пайдо бўлиши ва шаклланиш босқичлари, бу шахарга эрамиздан олдинги 329 йили содир бўлган юнонлар, 8 асрдаги араблар, 13 асрда юз берган мўғуллар ва 19 асрнинг 2-ярмидаги Оқ пошшо босқинлари ҳақида сўз юритилади.

159. **63.3(5Ў)4**
**Б91**

**Брион, М.** Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур / М. Брион. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 576 б. 10000 нусха.

Француз темуршунослари ёзган асарлар жавонида профессор Марсель Брионнинг китоблари алоҳида ўрин тутади. Мазкур китоб Соҳибқироннинг дунёга келишидан то вафотига қадар бўлган даврни қамраб олиб, воқеалар Амир Темур номидан ҳикоя қилинади.

160. **63.3(5Ў)**
**Г95**

**Гулбаданбегим.** Ҳумоюннома / З. Б. Гулбаданбегим. – Тошкент: O`zbekiston, 2016. – 120 б. 3000 нусха.

Ҳумоюннома асари Захириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегим томонидан ёзилган. Гулбаданбегим бу китобни ўзининг шахсий кузатувлари асосида ёзиб қолдирган. Асар кенг оммавий китобхонларга мўжалланган.

161. **63.3(5Ў)**
**Д15**

**Дадабоев, Х.** Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати / Х. Дадабоев. – Toshkent : Akademnashr, 2016. – 176 б. 1000 нусха.

Биз буюк салтанатлар барпо этган, ҳарбий соҳани санъат даражасига кўтарган, эл-юрт шон-шарафи йўлида ҳар қандай машаққатларга бардош бериб, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб келган боболарнинг авлодимиз. Шу боис у Ватан, миллат ва тақдирига бефарқ бўлмаган китобхонларни эътиборсиз қолдирмайди.

162. **63.3(5Ў)**
**С33**

**Сатторий, Ҳаким**
Соҳибқирон абадияти / Ҳаким Сатторий
**Кн.2** . – Тўлд. қайта ишл. 2-нашри. – Тошкент : Sharq, 2016. – 464 б. 5000 нусха.

Ҳаким Сатторий турли манбаларни жиддий ўрганиб, узок йиллар давомидаги изланишлари адо этишга муяссар бўлди. Асарларнинг кўлёзмалари мутахассислар ва илмий ҳамда бадиий жамоатчиликнинг вакиллари томонидан ўрганилиб, сўнг нашрга тавсия этилди.

163. **63.3(5Ў)**
**С33**

**Сатторий, Ҳаким**

Ҳазрат Соҳибқирон / Ҳаким Сатторий

**Кн.1** . – Тўлд. қайта ишл. 2-нашри. – Тошкент : Sharq, 2016. – 512 б. 5000 нусха.

Ушбу китобда халқимизнинг тарихининг қарийб олти асрига дахлдор далиллар, маълумотлар юзасидан фикр юритилади. Улар содда тилда, тушунарли оммабоп услубда ҳикоя қилингани билан кенг китобхонлар аудиториясига мўлжалланган.

164. **63.3(5Ў)4**
**С75**

**Содиқов, Х.** Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати: тарихий бадиалар / Х. Содиқов. – Қайта нашри. – Тошкент : Art flex, 2016. – 576 б. 10000 нусха.

Ушбу китоб Соҳибқирон Амир Темур шахсининг янги бир қиррасини очади. Унинг давлат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омил — разведка ва контрразведка соҳасида олиб борган ўзига хос ва айни дамда одилона сиёсати, жанговор фаолияти асарда аниқ ва равшан ёритиб берилади.

165. **63.3(5Ў)4**
**С75**

**Содиқов, Х.** Амир Темур ҳаётидаги ғаройиботлар: тарихий бадиалар / Х. Содиқов. – Қайта нашри. – Тошкент: Чўлпон, 2016. – 384 б. 3000 нусха.

Ушбу тарихий бадиалардан иборат китоб Соҳибқирон ҳаётидаги ғаройиб воқеалар, унинг тақдири ва ҳаётига оид илоҳий ҳодисалар донишманд ва кароматли устоз-пирлар ҳақидадир.

166. **63.3(0)я2**
**Т24**

**Тарих истилолар ва** қўзғолонлар: маълумотнома / тузувчилар Х. Абдиев, Ж. Кунишев. – Toshkent: O'zbekiston, 2016. – 256 б. 3000 нусха.

Ушбу маълумотномада инсоният тарихида бўлиб ўтган истилолар ва кўзғолонлар, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари, ана шу урушлар туфайли одамзот бошига тушган мислсиз кулфатлар ҳақида сўз юритилади.

167. **63.3(0)**
**Х87**

**Худойқулов, М.** Бобур минорасининг сири: қадимги ривоятлар ва тарихий ҳикоятлар / М. Худойқулов. – Тошкент: Наврўз, 2014. – 136 б. 1000 нусха.

Мазкур китоб ўқувчиларга жуда кўп тарихий-маърифий маълумотлар бериш билан биргаликда бадиий завқ ҳам бағишлайди.

168. **63.3(0)я73**
**Э74**

**Эргашев, Шуҳрат**

Жаҳон тарихи: ўқув қўлланма / Шуҳрат Эргашев

**Ч. 1 Янги давр. 16** - 18 асрлар. – 2-нашри. – Тошкент: O`zbekiston, 2016. – 528 б. – Библиогр. 3000 нусха.

Ўқув қўлланмада жаҳон тарихининг янги даврини ҳозирги замон цивилизациясининг шаклланиш тарихи сифатида ёритишга ҳаракат қилинган. Ушбу ўқув қўлланма Олий ўқув юртларида "Тарих ўқитиш методикаси" таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

169. **63.3(0)я73**
**Э74**

**Эргашев, Шуҳрат**

Жаҳон тарихи: ўқув қўлланма / Шуҳрат Эргашев

**Ч. 2 Янги давр. 1800** - 1918 йиллар. – Тошкент: O`zbekiston, 2015. – 568 б. – Библиогр.

Бу капитализмдан унинг янги босқичи - империализмга ўтиш даври. Тарихий давр сифатида 19 аср жамият тараққиётида янги босқични бошлаб берган Буюк француз инқилобидан бошланади ва жуда катта ижтимоий фожиа - Биринчи жаҳон уруши билан якунланади.

170. **63.3(5)**
**Э74**

**Эргашев, Ш.** Қадимги цивилизациялар / Ш. Эргашев. – Тошкент: O`zbekiston, 2016. – 360 б. – Библиогр. 3000 нусха.

Замонавий цивилизациянинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган Месопотамия, Қадимги Миср, Қадимги Яҳудий, Қадимги Эрон, Қадимги Греция ва Рим ҳамда Қадимги Турк цивилизациялари ушбу китобдан ўрин олган.

## Тарих

171. **63.3(0)**
**Р17**

**Ражабов, Қаҳрамон**

Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / Қаҳрамон Ражабов

**Кн. 1 Энг қадимги даврлардан** 1795 йилгача / Б. Кандов; муҳаррир Р. Абдуллаев. – Тўлд. қайта ишл. 2-нашри. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 288 б. 3000 нусха.

Мазкур китобда жаҳон тарихидаги давлатлар, сулола ва подшоликларнинг қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан бугунги кунгача бўлган хронологияси билан биргаликда ихчам тарзда баён қилинган. Унда жаҳон тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

172. **63.3(0)**
**Р17**

**Ражабов, Қаҳрамон**

Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / Қаҳрамон Ражабов

**Кн. 2 1795-1960 йиллар** / Б. Кандов ; муҳаррир Р. Абдуллаев. – Тўлд. қайта ишл. 2-нашри. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 288 б. 3000 нусха.

Мазкур китобда жаҳон тарихидаги давлатлар, сулола ва подшоликларнинг қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари 1795-1960 йилларгача бўлган хронологияси билан биргаликда ихчам тарзда баён қилинган. Унда жаҳон тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

173. **63.3(0)**
**Р17**

**Ражабов, Қаҳрамон**

Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / Қаҳрамон Ражабов

**Кн. 3 1961-2015 йиллар** / Б. Кандов; муҳаррир Р. Абдуллаев. – Тўлд. қайта ишл. 2-нашри. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 304 б. 3000 нусха.

Мазкур китобда жаҳон тарихидаги давлатлар, сулола ва подшоликларнинг қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари 1795-1960 йилларгача бўлган хронологияси билан биргаликда ихчам тарзда баён қилинган. Унда жаҳон тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Шунингдек, бу китоб охирида махсус келтирилган илова мавжуд бўлиб, ундан жаҳон мамлакатларининг бугунги ҳолати ва халқаро ташкилотлар фаолияти ёритилган 26 та жадвал ўрин олган.

174. **63.3(5Ў)**
**С33**

**Сатимов, Г.** Бобурийзодалар: тарихий-маърифий рисола / Г. Сатимов. – Тошкент: Sharq, 2016. – 144 б. – (Халқаро Бобур жамоат фонди) 2000 нусха.

Ушбу рисола Шарқ халқлари, ҳусусан, Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон каби мамлакатлар тарихи саҳифаларида ҳам муҳрланган буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳақида маълумот берувчи тарихий-маърифий асардир.

**175. 84(5У)6**
**Г94**

**Гулям, Г.** Озорник: повесть / Г. Гулям; Пер. А. Наумова. – Ташкент: Sharq, 2016. – 232 с. 3000 экз.

Много разных приключений - веселых и грустных, смешных и вызывающих слезы - пришлось пережить герою этой книги. А все-таки, в конечном счете, с носом остались те, кто сами хотели дурачить и одурачивать других.